Адл ила олам юзин обод қил

Куч — адолатда

2020 йил
10 июль,
жума
№ 22 (795)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ: БУНДАЙ ХАТАРЛИ ОФАТГА АСЛО БЕПАРВО ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, афсуски, бутун дунёда коронавирус пандемияси давом этмоқда. Қатор мамлакатларда касалликнинг иккинчи тўлқини бошланаётгани барчамизда жиддий хавотир уйғотмоқда.

Бугунги ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, ушбу инфекцияга қарши курашда қандайдир "сеҳрли рецептлар" ҳали йўқ.

Жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги энг йирик илмий марказлар, энг кучли олимлар бу офатга даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Ва бундай тадқиқотлар тез орада ўзининг ижобий натижасини беради, деб умид қиламиз.

Тиббиёт ва санитария-эпидемиология ходимларининг касб малакаси ва жасорати, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фидойилиги, шунингдек, карантин давридаги қатъий интизом мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни нисбатан барқарор сақлаш имконини бермоқда.

Лекин бу хотиржамликка берилиш, масалага енгил-елпи қараш учун асос бўлмаслиги керак. Чунки июль ойининг биринчи ҳафтасида беморлар сони 2 минг 167 нафарга кўпайган. Шундан 1 минг 267 та (58%) ҳолат аҳоли орасида аниқланган.

Бу карантин давридаги энг юқори кўрсаткичдир. Афсуски, беморлар орасида ўлим сони ҳам ортиб бормоқда. Бу барчамизни жиддий ташвишга солиши шарт.

Биз мамлакатимизда коронавирус аниқланган кундан бошлаб, қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамиз: бу жуда мураккаб синов ва оғир кураш бўлади.

Бу курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга тўмир интизом билан, қатъият ва жипсликда иш кўришимизга боғлиқ.

Лекин, минг афсуски, аҳоли ўртасида кўпчилик мана шу талабларга тўла амал қилмаяпти.

Айниқса, тиббий ниқоб тақмаслик ёки уни номига тақиш, санитария-гигиена қоидаларини бузиш, ўзаро қўл бериб кўришиш, ижтимоий масофани сақламаслик, заруратсиз оилавий тадбирларни ўтказиш ҳолатлари кун сайин кўпаймоқда.

Жойларда "яшил", "сариқ" ва "қизил" ҳудуд тамойили тўлиқ ишламаяпти.

Биз бу борада аҳволни ўзгартириш учун, аввало, жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, Республика комиссияси вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари билан бирга пандемияни жиловлаш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Тегишли раҳбарлар ўзига бириктирилган ҳар бир вилоят кесимида аҳолининг белгиланган чекловларга қатъий амал қилиши ва карантин талаблари бажарилиши устидан, жойига чиққан ҳолда, назорат ўрнатсин.

Албатта, биз қўшни давлатларда маълум сабабларга кўра қолиб кетган Ўзбекистон фуқароларини мамлакатимизга қайтариш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирларни кўрамиз.

Бироқ юртдошларимизга мурожаат қилиб яна бир бор таъкидламоқчиман: бутун дунёда минг-минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётган бундай хатарли офатга асло бепарво ва енгил қараб бўлмайди.

Касалликнинг бирор-бир кичик белгисини ўзингизда сездингизми, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг.

Ўзингизча уйда даволанманг. Бу оғир оқибатларга олиб келиши ва ниҳоят, ўлим билан тугаши мумкин.

Ўзингизга ва оила аъзоларингизга нисбатан бепарво ва бефарқ бўлманг!

Халқимиз, оиламиз ва фарзандларимиз саломатлиги ва ҳаёти биз учун энг улуғ бойлик экан, бу ўта муҳим масалада бефарқ бўлиб, карантин талабларини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Буни ҳеч ким, аввало, барча раҳбар ва мутасаддилар ҳеч қачон унутмаслиги шарт.

Бугунги мураккаб вазиятда барчамиз "Ўз соғлиғингни, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!" деган шиорга амал қилиб яшашимиз шарт.

Айни вақтда ҳаётимизни нормал изга солиш, иқтисодиётимизни тиклаш учун пандемия шароитида яшаш ва меҳнат қилишга ўрганишимиз, барча эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, бу борада бошлаган ишларимизни темир интизом билан давом эттиришимиз керак.

ЎзА

Жамиятда адолатни таъминлаш устувор вазифа

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, одил судлов тизими, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишлар, галдаги муҳим вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон КОМИЛОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Дарҳақиқат, адолат — инсонга берилган неъматлардан энг афзалидир. Шунинг учун одамзод ҳар ишда адолатга таянади, ҳаётни шу мезон билан ўлчашга интилади. Адолат биз учун нафақат табиий, балки маънавий ва ижтимоий эҳтиёж ҳамдир. Ҳар қандай жамият ва давлатда адолатга, демакки, судларга, одил судловга бўлган ишонч муҳим ўрин тутади.

Адолатга қонунларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш орқали эришилиши нуқтаи назаридан ёндашсак, суд ва одил судловнинг бу борадаги ўрни ҳамда аҳамияти яққол аён бўлади. Давлатимиз раҳбари томонидан "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" ёки "Давлат ҳам, ислоҳотлар ҳам инсон манфаатига хизмат қилиш керак" деган тамойиллар илгари сурилгани бежиз эмас.

Нега деганда, Ўзбекистон Конституцияси ва шу асосда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида инсон омили, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи бирламчи ўринда туради. Инсонни эъзозлашга қаратилган тизимли ва изчил ислоҳотлар — янгиланаётган Ўзбекистоннинг янгича давлат сиёсати замирида ана шу эзгу ғоя мужассам.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, инсоннинг жамиятда азизлиги унинг ҳуқуқлари қай даражада рўёбга чиқаётгани, бу борадаги қонунлар ижроси, ҳуқуқни тўғри, адолатли қўллаш мисолида намоён бўлади. Бу эса, ўз номи билан айтганда, одил судловни таъминлаш демакдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш — яқин келгусидаги энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбари шу йил 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида суд тизими ҳақида фикр билдирар экан, "Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!", деб қатъий таъкидлади.

Айтиб ўтиш керакки, ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган уч йилда 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ислоҳотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 273 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинди. Инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг 60 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилди. Бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли – кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш, деди давлатимиз раҳбари.

Мураккаб шароитга қарамай, ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда, лекин баъзи ҳудудларда бу борадаги ишлар қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Карантин талабларининг юмшатилиши натижасида корхоналар фаолияти тикланди. Бироқ 69 мингта тадбиркорнинг фаолиятини жонлантириш керакligи, жойлардаги раҳбарлар 9 ой якуни бўйича уларнинг камида 70 фоизини, йил якунига қадар тўлиқ қувват билан ишлашига масъул ва жавобгарлиги белгиланди.

Мамлакат миқёсидаги республика даражасидаги мутасаддиларга ҳудудларга бориб тушуми қамайган корхоналар билан тизимли ишни йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, тадбиркорлар карантин қоидаларига амал қилишда санитария ва ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан тушунарсиз ва бир-бирига зид талабларга дуч келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг мурожаатлари ва таклифлари асосида жорий тартибларни қайта кўриб чиқиб, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тушунарли шаклда аҳолига етказиш топшириғи берилди.

Ўтган йилда рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг, яъни янги бизнес субъектларининг 23 мингтаси ёки 24 фоизи бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти. Масъул раҳбарлар улар билан мулоқот қилиши, тез фурсатларда уларни ишга тушириш чоралари кўрилиши белгиланди.

Бунда тадбиркорга кўпроқ шароит яратиб бериш, жумладан, электр, газ, сув таъминоти, йўл, кредит билан боғлиқ масалаларни ечиб бериш лозимлиги қайд этилди.

Фаолият бошлаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқиш топшириғи берилди. Бунда тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектни рўйхатдан ўтказиш, асбоб-ускуна сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратиш назарда тутилади. Ушбу тизимнинг вертикал ижросини таъминлаш учун ҳозирда фақат республика даражасида фаолият юритаётган Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ишини тумангача туширишни лозимлиги қайд этилди.

Хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун энг қулай, кўп ва юқори даромадли иш жойлари ташкил этиш мумкин бўлган 31 та ўрта шаҳарларда инфратузилмани яхшилаш, ер ресурслари ва бино-иншоотлардан тўғри фойдаланиш, режалаштириш, бошқарув ва жамоат транспортини тўғри ташкил этиш аҳоли даромади ўсишига кескин туртки беради.

Ушбу шаҳарларни хизмат кўрсатиш марказларига айлантириш, бунинг учун шаҳар раҳбарларига тизим яратиш ва аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Суд — одил судловнинг олий нуқтаси. Шу маънода судларнинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёндир.

Муносабат

Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият

Айнан шундай оқилона ёндашув туфайли бу соҳадаги ишлар кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги даврда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Хусусан, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимиз суд тизими ходимлари билан 2017 йил 13 июнда ўтказилган тарихий учрашувда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларни чуқур таҳлил қилиб, истиқболдаги устувор вазифаларни белгилаб берган эди.

Мазкур учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан тизимдаги камчиликлар, ўз ечимини топмаган муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилганди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Талаб ва таклиф

Фуқаролик кодекси — кундалик ҳаётимиз негизи

қонун ижодкорлиги жараёнида буни ёдда тутиш лозим

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида Фуқаролик кодексини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлигини алоҳида қайд этилганди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **қонунчиликни янгилашдан мақсад — фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.**

Шу нуқтаи назардан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат институти томонидан муҳокамага қўйилган Фуқаролик кодексининг лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу тушунарли, албатта.

Чунки ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда доимий равишда Фуқаролик кодекси нормаларининг таъсирида бўламиз. Шундай экан, ушбу нормалар нечоғлик оқилона ишлаб чиқилган бўлса, фуқаролар учун шунчалик қулайлик яратилади.

Аввало, Фуқаролик кодексининг номланиши бўйича турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Ўз пайтида, профессор Ш.Шорахмедов Фуқаролик кодекси кишиларни кундалик ўзаро муомаласи, жумладан, мулкий, шартномавий, шахсий муносабатлар билан боғлиқ эканига урғу бериб, уни "Муомалат кодекси" деб номлашни таклиф этган эди.

Эндиликда Фуқаролик кодексини "Цивил кодекси" деб номлаш тарафдорлари ҳам учрамоқда. Улар Европанинг айрим ривожланган мамлакатларида шундай ном қўлланишини асос қилиб кўрсатмоқдалар.

Бу борада мавжуд ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимизда номланишида "фуқаролик" атамаси қўлланилган учта олий норматив ҳужжат, яъни Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги қонун амал қилади. Шу маънода Фуқаролик кодекси номланиши ҳақида фикр юритганда, "фуқаролик" ҳуқуқий тушунчаси ана шу қонун ҳужжатларида қандай талқин этилиши нуқтаи назаридан келиб чиқиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 3-бетда) ▶

Амалдаги қонун талабига кўра, жиноят ишини юритиш учун масъул барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари зарур. Бу жараёнда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз бергани, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Мезон

Шахсни тиббий муассасага мажбуран жойлаштириш

унинг қонуний асослари нималардан иборат? Муддати-чи?!



Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 265-269-моддаларида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари ва муддати белгиланган.

Агар суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказишда айбланувчи, судланувчини стационар кўрикдан ўтказиш зарурати вужудга келса, улар тегишли тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин.

Руҳий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно этадиган гумон қилинувчи ҳам, агар айнан унинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигига етарлича далиллар мавжуд бўлса, экспертиза ўтказиш учун тиббий психиатрия муассасасига жойлаштирилади.

Шунингдек, жабрланувчи ва гувоҳлар тегишли суд экспертизасини ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий жойлаштирилиши мумкин эмас. Улар гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг Жиноят кодексининг 15-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлигини фош қилаётган ва улар берган кўрсатмаларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

(Давоми 3-бетда) ▶

Депутат оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича таклифлар билан чиқди

Оила — ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, эзгу урф-одатларимизни сақлайдиган муқаддас қўрғондир.

Жамиятимизда оила билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар жуда кўп. Айниқса, асрлар давомида ҳаёт синовларидан ўтиб келаётган никоҳнинг муқаддаслиги, ота-онанинг фарзандлар, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, ўзаро иззат-ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ибо-ҳаё, оила шаъни ва номусини асраш каби ҳамма бирдек итоат этадиган ҳаётий қонунлар изчил амал қилиб келмоқда.

Аммо афсуски, сўнгги йилларда турли сабабларга кўра, оилавий ажримларининг ошиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Мисол учун мамлакат бўйича 2019 йилнинг 11 ойида 277 минг 400 та никоҳ қайд этилган бўлса, 28 минг 700 та оила ажрашган. Бу янги тузилган ҳар 10 оиладан биттасида ажрим рўй берди, деганидир.

(Давоми 4-бетда) ▶

Муносабат

Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Судлар том маънода адолат қўрғонига айланиши шарт. Шу орқалигина фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш мумкин.

Жорий йилнинг 30 июнь куни Президентимиз раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бу масала нечоғли муҳим ва долзарб эканини яна бир бор амалда кўрсатиб берди.

Давлатимиз раҳбарининг **"Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу — Президент талаби"**, — деган ғояси тизимдаги барча вазифаларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини ўзида акс эттиради.

Йиғилишда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Омбудсман ва Тошкент давлат юридик университетига "Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият" махсус ўқув модули бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш вазифаси юклатилди.

Тергов институтини янгидан шакллантириш, ягона ва мустақил тергов органини тузиш, шунингдек, терговга алоқадорлик масаласини қайта кўриб чиқиш, тергов жараёнидаги хатолар суд мажлисида аниқланса, прокурор суднинг тугашини кутиб ўтирмасдан, ўз ташаббуси билан айбловдан воз кечадиган тартибни жорий этишга доир муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Илғор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини **"бир суд — бир инстанция"** тамойили асосида қайта кўриб чиқиш, "назорат тартибида ишларни кўриш" амалиётидан воз кечиш, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг суд қарорларига нисбатан протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқишни бекор қилиш, умуман, давлат идораларининг бундай ташаббус билан чиқишига йўл қўймаслик ва буни қонунда мустаҳкамлаш, ерга бўлган ҳуқуқлар кафолатини кучайтириб, мулкий ҳуқуқларни бекор қилиш фақат суд тартибида ҳал этилишини қатъий белгилаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Судьянинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлаганлик учун жаавобгарликни кучайтириш лозим. Одил судловнинг чамбарчас қисми ҳисобланган адвокатура институтини тубдан ислоҳ қилиш даркор.

Судга электрон мурожаат қилиш, мурожаатларни ўрганиш ҳолатини онлайн кузатиб туриш ва электрон жавоб юбориш тизимини жорий қилиш учун "Адолат" ахборот тизимлари мажмуасини ишга тушириш зарур. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, аҳолига янада қулайлик яратиш, очиқлик ва шафоффликни таъминлаш мақсадида, 2020 йилнинг ўзида видеоконференция алоқа тизими билан барча судларни 100 фоиз қамраб олиш ҳақидаги таклифлар жуда ҳам муҳимдир.

Бу вазифаларни бажариш бўйича масъул идораларга аниқ топшириқлар берилди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳаси учун мисли кўрилмаган аҳамият касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг коррупцияга қарши кураш борасида келгусида бажарилиши шарт бўлган ишлар ҳақидаги амалий таклифлари суд ислоҳотларига оид фикрларнинг мантиқий давоми бўлди. Зеро, жамиятда коррупциянинг олдини олишнинг энг муҳим мезони фаолиятда очиқлик ва шаффофликни таъминлашдир.

Айнан шу сабабли коррупцияга қарши кураш борасидаги ислоҳотларнинг янги босқичида бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотларни олдисотди қилиш жараёнларига ошкоралик ва очиқлик тамойилларини жорий этиш истиқболлари кўриб чиқилди. Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари ўз ҳудудларида, тармоқ раҳбарлари ўз тизимларида янги ташкил қилинган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан бирга коррупциядан холи дастурини ишлаб чиқишлари зарурлиги таъкидланди.

Соҳаларни рақамлаштириш, таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, коррупцияга қарши курашишда кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бериш даркор. Шу мақсадда таъсирчан тизим яратиш, ҳокимлар ва раҳбарларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича малака оширишларини ташкил этиш ҳақида ниҳоятда муҳим ва аниқ таклифлар берилди.

Маълумки, ҳар қандай давлат иқтисодий салоҳиятининг юксалиши, кўп жиҳатдан, инвестиция сиёсатининг оқилона юритилишига боғлиқ. Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шароитларни яратиб бериш ҳисобига янги барқарор иш ўринларини яратиш, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Президентимизнинг "сармоя киритаётган инвестор биринчи навбатда ўз ҳуқуқлари суд орқали кафолатли ҳимоя қилинишига эътибор беради. Ҳамма раҳбарлар қулоғига қуйиб олсин: суд фаолиятига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ", деган қатъий фикрлари бу масала қанчалик муҳим эканини яна бир карра тасдиқлаб берди. Зеро, адолат қарор топган муҳитни яратиш ҳамда аҳолида коррупция иллатига нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтириш орқалигина кўзланган мақсадга етишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, асосий мақсад — шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсонинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳамда халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборатдир. Шундай экан, ҳар биримиз бу борада зиммамиздаги улкан масъулиятни тўла ҳис этиб, шарафли вазифаларни сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, халқимиз ва Президентимиз олдида берган қасамёдимизга ҳамиша содиқ қолишга ваъда берганимизни унутмаслигимиз, шу эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан фаолият юритишимиз даркор.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
Ашурали ТОШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьялари

Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Кейинги йилларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича аниқ чоралар кўрилиши натижасида бизнес ихтиёрида 2019 йилда 12 триллион сўм қолди, 2020 йилда яна 11 триллион сўм маблағ қолиши кутилмоқда. Энди янги вазифа, яъни "Солиқ идораси — тадбиркорга кўмакчи" тизимини йўлга қўйиш топшириғи берилди.

Шунингдек, 1 июлдан бошлаб илк маротаба тадбиркорларга қўшимча қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш механизми амалга киритилди. Ушбу янгилик орқали жорий йилнинг биргина учинчи чорагида тадбиркорларга 700 миллиард сўмни айланма маблағ сифатида ўзида қолдириш имконияти яратилмоқда.

Шу муносабат билан, мутаддиларга ушбу янги тизим имкониятларини тадбиркорлар эътиборига етказиш ва ижросини барча ҳудудларда самарали ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Президент жойларда ҳалигача тадбиркорларга ер ва бинооиншоотлар ажратишда кўплаб тўсиқлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди. Буларни очиқ савдога, электрон аукционга чиқариш жараёнларини жонлантириш вазифаси қўйилди.

Соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак, телевидение ва ижтимоий тармоқларда буни кенг ёритиб бориш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Яна бир муҳим масала — бюджет даромадлари ижросини таъминлаш. Давлатимиз раҳбари бу борада кўрилаётган чораларнинг самарасини ошириш юзасидан қатор топшириқлар берди.

Йиғилишда, шунингдек, камбағалликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам тўхтаб ўтилди. Давлатимиз раҳбари камида 257 минг нафар муҳтож оилалар вакилларини ишга жойлаштириш, 37 мингта хонадонга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш зарурлигини қайд этди.

Эҳтиёжманд аҳолини ишга жойлаштириш кўрсаткичи энг паст секторлар таъкидланар экан, уларнинг раҳбарларига жазо чоралари кўрилди.

Жумладан, Фарғона тумани ҳокими Носиров, Яккабоғ тумани прокурори Мустафаев, Ғузор ва Чортоқ туманлари ички ишлар бошқармалари бошлиқлари Раҳмонов ва Абдурайимов, Муборак тумани ва Қўқон шаҳар солиқ инспекциялари бошлиқлари Темиров ва Турдиқуловларни эгаллаб турган лавозимларидан озод этиш бўйича топшириқлар берилди.

Шўрчи тумани ҳокими Худайберганов, Каттақўрғон, Косон ва Пайариқ туманлари ички ишлар бошқармалари бошлиқлари Отамуродов, Отақулов ва Шермуҳамедов, Нарпай, Ғаллаорол туманлари ва Гулистон шаҳар солиқ инспекциялари бошлиқлари Деҳқонов, Мамаев ва Ражабовларга охирги огоҳлантириш сифатида "ҳайфсан" эълон қилиниши белгиланди.

ЎзА

Жамиятда адолатни таъминлаш устувор вазифа

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир.

Шу ўринда яна рақамларга мурожаат қиламиз. 2019 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 36 минг 845 нафар шахсга нисбатан 28 минг 846 та иш кўриб чиқилган. Натижада 859 нафар шахс оқланган ва реабилитация қилинган бўлса, 19 минг 278 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Бундан ташқари 1 минг 368 нафар шахс шартли ҳукм қилинган. Ярашув институтининг самарали қўлланилиши туфайли 7 минг 329 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган. Ўтган йили Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 1 минг 788 нафар шахсга нисбатан 1 минг 486 та иш кўриб чиқилган. Бунда 1 минг 37 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилинган ва 581 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан эса, 188 минг 282 та иш кўриб чиқилиб, 162 минг 327 та ҳал қилув қарори чиқарилган. Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 1 минг 24 та иш кўриб чиқилиши асосида биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган 327 та қарор бекор қилинган ва 117 та суд қарори ўзгартирилган.

Иқтисодий судлар томонидан 197 минг 291 та иш кўриб чиқилиб, даъвогарлар фойдасига 11,7 триллион сўм ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинган. Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 675 та шикоят ва протестлар кўриб чиқилган. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 345 та қарор бекор қилинган ва 115 та суд қарори ўзгартирилган.

Айни даврда маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 16 минг 256 та иш кўриб чиқилган. Натижада 11 минг 142 фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланган. Шунингдек, маъмурий судлар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар бўйича 495 минг 106 нафар шахсга нисбатан 412 минг 807 та иш кўриб чиқилган.

Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида 3 минг 754 та шикоят ва протестлар кўриб чиқилди. Шундан 704 таси иш материаллари асосида ўрганилиб, қуйи судлар чиқарган қарорларнинг 380 таси бекор қилинди ва 58 таси ўзгартирилди.

Олий суд томонидан кўриб чиқилган жами 925 минг 781 та ишдан 2 минг 960 таси бўйича қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатлари қонунларга мувофиқлаштирилди. Яъни мазкур ишларда ҳам қонун устуворлиги — адолат таъминланди, дейишимизга асос бор. Чунки суд томонидан кўрилган ишлар ичида атиги биттаси бўйича хато қарор қабул қилинса ҳам — бу билан камида бир инсон тақдирига таҳдид қилинган ёки ўша ишда адолат тамойили бузилган ҳисобланади.

Буни барча тизимдаги судларнинг судьялари яхши англаб етишлари шарт. Бинобарин, жами кўрилган ишлар ҳажмида арзимас рақам бўлиб кўринган бу каби хатолар таҳлили одил судловни тўла таъминлаш, аҳоли онгига судларга ишонч ҳиссини сингдириш борасида салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчи омил — судлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ёки бу борада норма ижодкорлигининг самарасини тубдан яхшилаш билан боғлиқ. Демак, тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунларга зарурат бор. Мисол учун, иқтисодий судларда кўрилган жами ишларда низоларнинг асосий қисмини тадбиркорлик фаолияти, шартномавий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар ташкил этаётгани ҳолда ҳамда ушбу низолар ечимида тизимли қонун ҳужжатига эҳтиёж борлиги сезилади.

Чунки биргина тадбиркорлик ва хусусий сектор соҳасининг ҳуқуқий кузатувига назар ташласак, мазкур соҳага дахлдор 14 мингдан ортиқ турли қонун ҳужжатлари мавжуд. Буларнинг асосий қисми қонуности ёки идоравий ҳужжатлардир. Айнан шу ҳужжатларда ҳаддан зиёд тартибга солиш тамойилининг сақлаб қолингани, ортиқча тартиб-таомиллар амал қилаётгани одил судловга ўз таъсирини ўтказмоқда. Натижада судлар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолатларини тўғридан-тўғри таъминлашда, қонундан кейин турувчи ёки қонунларнинг ижроси учун хизмат қилувчи қонуности ҳужжатларда, давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосга таяниб иш кўриш ҳолатлари кузатилмоқда.

Иккинчи омил — одил судловга масъул судьяларнинг айримлари бугунги ўзгаришлар, замон талабларига мос ва ҳамоҳанг равишда ўз вақтида ўзгара олмаётганлигига, бошқача айтганда, инсон омилига бориб тақалади. Модомики, судьялар адолат, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш учун масъул эканми, демак, уларнинг маънавияти ҳам шунга яраша юксак бўлиши лозим. Бунинг учун эса, тинмай ўқиш, изланиш ва замон билан ҳамқадам бўлиш кун тартибидаги долзарб масаладир.

Судьялар маънавиятнинг моҳиятини, айниқса, чуқур англашлари керак. Ҳалоллик ва поклик уларнинг ҳаётида, фаолиятида устувор аҳамият касб этиши даркор. Ҳалоллик ва поклик устувор бўлса, қут-барака ёғилади, қутилган натижалар ҳам шунга яраша бўлади. Мурожаатномада таъкидланганидек, коррупцияга қарши кураш, адолатни бош мезон қилиб олиш, айтишга осон. Ўтмиш сабоқларидан маълумки, қайси ташкилотга коррупция билан курашиш ваколати юклатилса, бу иллатнинг барча ришталари ўша ташкилотга бориб уланаверарди.

Бундай ташкилот, коррупцияга қарши кураш эмас, балки, таъбир жоиз бўлса, уни бошқариш ва тартибга солиш билан машғул бўлиб кетарди. Ҳеч қандай жазо, ҳеч қандай хавф бунинг олдини ололмаган. Бунинг ягона йўли — "ҳалоллик вакцинаси". Яъни ҳалоллик инсоннинг онгу шуурида бўлиши лозим.

Худди шу "ҳалоллик вакцинаси" ҳақида сўз борганда, кўз олдимизда юксак маънавиятли инсонлар гавдаланиши табиийдир. Демакки, "ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш", яъни маънавиятни юксалтириш масаласи судлар фаолиятида устувор мавқени эгаллашига сўзсиз эришишимиз талаб этилади.

Шу маънода, Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган бир қатор муҳим йўналишлар ва аниқ вазифаларга тўхталиш айни муддаодир.

Хусусан, Давлат дастурида суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари) мурожаати мавжуд бўлгандагина суддан талаб қилиб олиш, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш кўзда тутилган.

Назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш, тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турларини декриминализация қилиш вазифаси белгилаб берилган. Видеоселекторда давлатимиз раҳбари айнан шу йўналишда тезроқ амалга ошириш зарур бўлган вазифаларга тўхталди. Мутасаддиларга илғор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини "бир суд — бир инстанция" тамойили асосида қайта кўриб чиқиш топшириғи берилди.

Демак, эндиликда суд тизимида эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан ҳам суднинг мазмун-моҳиятига тўғри келмайдиган "назорат тартибида ишларни кўриш" амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишларига таъсир ўтказувчи барча омилларни, шу жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурди. Парламент палаталари ушбу таклифни кўриб чиқади.

Суд фаолиятида рақамли технологиялар жорий этилгани ҳам ишлар самарадорлигини оширганини айтиб ўтиш жоиз. Жорий йил якунига қадар Олий судда ягона "Адолат" ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш вазифаси юклатилди.

Бунда барча учун судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш имконияти яратилади. Судлар жорий йилда видеоконференция алоқа тизими билан 100 фоиз қамраб олинади.

Жорий йилнинг якунига қадар суд мажлисларини аудиоёзув орқали қайд этишнинг мажбурий тартиби жорий этилади. 2021 йил 1 апрелга қадар судларнинг ахборот тизимини 15 та вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинуви тўлиқ рақамли тизимга ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, судга бориш учун айрим туман ва шаҳарларимизда одамларга қулайлик яратиш зарурлиги ҳақида гапирди. Мисол учун аҳолиси энг кўп туманлардан бири бўлган Ургутда (500 минг киши, 102 та маҳалла) фуқаролик суди йўқлиги сабабли 80 километр йўл босиб, Тойлоқ туманлараро судига борилади. Шу боис судлар ва уларнинг фаолиятини оптималлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Пировардида, буларнинг барчаси инсон манфаатлари устунлигига асосланган инсонпарвар ислоҳотларимиз самарасини янада оширишга хизмат қилади.

ЎзА мухбири
Нурилло НАСРИЕВ
ёзиб олди.
ЎзА

Жиноят ва жазо

Алам ва

Бу дунёда ҳар бир киши атрофга ибрат назари билан қараб, яхшиликдан ҳам, ёмонликдан ҳам сабоқ чиқариб яшаши керак. Тўғри йўлдан адашмаслик, алам ва жаҳлга берилиш жаҳолатга етаклашини, ҳар қандай вазиятда оғир, босиқ ва вазмин бўлиш, мулоҳаза юритиб, ақл билан иш тутиш фақат хайрли кечишини унутмаслиги керак.

Акс ҳолда инсон ўзига иньом этилган бир марталик умрни бахтли-саодатли кечириш имкониятини бой беради.

Ўтган йилнинг айни саратон кунларидан бири — 29 июнь куни Жиззах шаҳрида шифокорнинг жонига қасд қилингани ҳақида совуқ хабар тарқалганди.

Кўпчилик ўшанда икки кун аввал олийгоҳни битирган, келажакда ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятга наф келтириши лозим бўлган йигирма беш ёшли йигитнинг оғир жиноятга қўл урганига афсус ва ачиниш билан қараган, ҳатто уни қоралаганди.

Жонига тажовуз қилинган Х.Хушбоқов (исм-шарифлар ўзгартирилди) қўли енгил олий тоифали болалар хирурги эди. Унинг хаёлига ўзига нисбатан кимдир тажовуз қилиши мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳеч қачон келмаганди.

Лекин ҳаёт экан-да, одам ўзи кутмаган ишлар бўлиб туради. Шундай қилиб жабрланган шифокор Х.Хушбоқовни кўкрак қафасидаги кўплаб жароҳатлар билан ўта оғир аҳволда РШТЁИМнинг Жиззах филиалига олиб келишди.

Шифокорлар беморнинг танасидаги жароҳатларни кўздан кечирганларида, кўкрак деворининг чап томонида иккита, ўнг томонида битта тан жароҳати аниқ кўриниб турарди. Чап кўкрак томондаги жароҳатлардан тинимсиз қон сизиб чиқаётганди. Беморнинг қон босими тушиб кетган, умумий аҳволи ўта оғир эди. У шошилинч равишда операция қилинди.

Операция вақтида қорин бўшлиғидаги барча соҳаларга қон қуйилгани аниқланди. Бу эса, беморнинг аҳволини тобора оғирлаштираётганди. Қуйилган қон тозалаб олингач, қовурғаларараро артериядан босим остида қон шитоб билан кетаётганлиги маълум бўлди. Жароҳатлар тикиб боғлангач, қон кетиши тўхтади. Бемор кўкрак деворининг чап томонида ўнинчи қовурғанинг орасида иккита жароҳат бир-бирига яқин жойлашганди. Улардан қон оқиб турганлиги жароҳат ўткир тиғли, санчилиб кирувчи жисм билан етказилганидан дарак берарди.

Суд тиббий экспертизасининг 2019 йил 7 августдаги 2373-сонли хулосасида ҳам Х.Хушбоқовнинг танасидаги жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича "ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати" деб баҳоланиши кўрсатилган.

Хўш, шифокорнинг ҳаётига нега тажовуз қилинди? Аҳволнинг бу қадар чуқурлашиб кетиш сабаблари нима билан изоҳланади?

Мазкур жиноят ишини судда кўриш чоғида ҳар бир ҳолат батафсил ўрганилди ва уларга ҳуқуқий баҳо берилди. Судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, суд тиббий экспертиза хулосалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа асосли далилларга таянилиб, қонунийлик ва адолатпарварлик тамойиллари қўлланилган ҳолда судланувчига нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Шу ўринда воқеа тафсилотига тўхталадиган бўлсак, жабрланувчи Х.Хушбоқовнинг жонига қасд қилинганидан ўн кун олдин, аниқроғи, 19 июнь куни кечки пайт Сайфиддин биқини санчиб оғриётганидан шикоят қилади. Фарзанди оғриқдан шикоят қилгач, ота-она бехавотир ўтира оладими? Йўқ, кенжа ўғилдаги безовталик оила бошлиғи Нажим ака билан Назира опага ҳам кўчади. Улар ҳам хавотирга тушиб, безовта тортиб қолишади.

Шундан сўнг туман тиббиёт бирлашмасида текширувдан ўтгач, 14 ёшли Сайфиддиннинг жигарида "эхинакок" борлиги аниқланади. У жарроҳлик йўли билан олиб ташланиши керак, бу иш фақат вилоят касалхонасида амалга оширилади. Вилоят касалхонасига боришганида беморга вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига йўлланма беришади.

Тиббиёт марказида жарроҳлик бўлими мудири, врач Х.Хушбоқов Сайфиддинни қабул қилиб, тиббий текширувлардан ўтказади, "эхинакок кистаси" ташхисини қўяди. Беморнинг қорин бўшлиғи УТТ қилиниб, жигарнинг ўнг бўлаги еттинчи сигментида 80х80 миллиметр ўлчамда "эхинакок кистаси" борлиги аниқланади, ўсимтанинг ҳажми катта, ёрилиш хавфи борлиги сабаб режали жарроҳлик ўтказиш зарур, деган хулосага келади. Шу тариқа бемор С.Бобоевни операцияга тайёрлай бошлашади.

Талаб ва таклиф

Фуқаролик кодекси — кундалик ҳаётимиз негизи

қонун ижодкорлиги жараёнида буни ёдда тутиш лозим

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бу — фуқаро билан давлат ўртасидаги ҳуқуқий боғланиш, ўзаро ҳуқуқий мажбуриятлар тизими, деганидир. Фуқаролик кодекси эса, тенг ҳуқуқли субъектлар, шу жумладан, фуқаролар, юридик шахслар, давлат ўртасида вужудга келадиган тенг ҳуқуқлиликка, мустақилликка, эркинликка асосланган мулкий, шартномавий, шахсий, корпоратив муносабатлар тизимидир.

Фуқаролик кодекси лойиҳаси муҳокамаси билан боғлиқ яна бир долзарб мавзу — қонунларни, хусусан, ушбу кодексни ўзбек тилида тайёрласа бўладими, деган масаладир. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича жонкуяр мутахассислардан бири сифатида, афсуски, шу вақтгача бу борада тайёрланган қонун лойиҳаларининг кўпчилиги ўзбекча таржима матнлар эканини қайд этишга мажбурман. Ушбу ҳолатга давлатимиз раҳбари ҳам яқинда судьялар корпуси билан бўлган учрашувда эътиборни қаратди.

Албатта, бу ҳолатнинг мавжуд воқелик талабидан келиб чиқадиган ўз объектив сабаблари бор. Яъни англо-саксон ҳуқуқ тизимида ҳам, роман-герман ҳуқуқ тизимида ҳам, мусулмон ҳуқуқ тизимида ҳам фуқаролик қонунчилигининг асослари бўйича асрлар давомида шаклланган нормалар, синовдан ўтган конструкциялар мавжуд.

Шунинг учун масалан, янги Фуқаролик кодексининг лойиҳасини тайёрлашда ҳам асосий эътибор ривожланган мамлакатлар қонунчилигининг ана шу соҳага оид нормалари, халқаро конвенциялар, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги нормаларни шакллантиришга қаратилади. Содда қилиб айтганда, адолатли, оқилона, турмушда ўзини оқлаган нормаларни олиб, лойиҳага жойлаштириш талаб этилади.

Бу ерда асосий муаммо нормаларнинг бир неча муқобил вариантлари бўлган ҳолларда, улардан энг мақбулини танлаш ҳисобланади. Шу боис муҳокамага қўйилган Фуқаролик кодексининг лойиҳасини тайёрлашда ҳам жуда кўп мамлакатлар фуқаролик қонунлари ўрганиб чиқилгани, таҳлил этилгани ва лойиҳага имплантация қилинганини эътироф этиш лозим.

Булар орасида бизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун муаммоли вазиятларга оқилона ечим ҳисобланган шартнома (сотиш/сотиб олиш — қайта сотиб олиш) конструкциялари ҳам мавжуд.

Масалан, Олий суд мутахассислари кейинчалик қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган олди-сотди шартномаси конструкциясини ижобий баҳоламоқдалар. Уларнинг фикрича, амалиётда пул қарз беришда гаровга нисбатан ишончсизлик мавжуд ва шунинг учун қарз шартномасини уй-жой ёки автомашина олди-сотди шартномаси сифатида расмийлаштириш ҳоллари учрайди.

Бу эса, охир-оқибатда суд амалиётида низоларни вужудга келтиради. Агар қонунчиликда вақтинчалик маблағ олишда уй-жойни қайтариб сотиб олиш назарда тутилса, сих ҳам, кабоб ҳам куймаган бўлар эди.

Маълумки, Фуқаролик кодекси миллий ҳуқуқ тизимида ўзига хос етакчи мавқени эгаллайди. Аммо мулк ҳуқуқи, мол-мулк, мулкий ҳуқуқ, мутлақ ҳуқуқ, зарар ва зиён, юридик шахс, шартнома ва шу каби қатор категориялар ва тушунчалар Солиқ кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Божхона кодекси ва бошқа қатор қонунларда ҳам қўлланилади. Шуни ҳисобга олсак, демак, улар миллий қонунчилик тизимида бир хил иборалар орқали ифодаланиши ва уларни мазмунан талқин этишда ҳам узвийлик бўлиши талаб этилади.

Фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг норматив базаси ғоятда кенг ва ранг-барангдир. Бугунги кунда "ақлли қонунлар" ва бевосита ишлайдиган қонунлар тўғрисида кўп гапирилмоқда. Қонунларда ҳаволаки нормаларни кескин камайтириш талаби қўйилмоқда. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун бундай талаблар муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этиш лозим.

Фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш бугунги кунда асосан икки поғонали, яъни Фуқаролик кодекси — махсус қонунлар, баъзан эса, уч поғонали, демакки, Фуқаролик кодекси — махсус қонунлар — алоҳида қонунлар ва қонуности ҳужжатлар негизида амалга оширилмоқда.

Албатта, кўп поғонали ҳуқуқий тартибга солиш механизимидан воз кечиш тўғрисида масала қўйилиши мумкин, бироқ буни амалда бажариш имкони борлиги шубҳа туғдиради.

Бунда, асосан, икки поғонали тизимни сақлаб қолиш ва Фуқаролик кодекси билан махсус қонунлар ўртасида нисбатни, уларнинг таъсир доирасини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг таъсир доираларини белгилашда илмий асосланган, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун қулай бўлган ёндашувлардан келиб чиқиш лозим.

Бошқача айтганда, Фуқаролик кодексида асосий тушунчалар, принциплар, категориялар, субъектлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш воситалари ва усуллари белгилаб қўйилиши керак. Энг асосийси, Фуқаролик кодекси билан алоҳида қонунлар ўртасида бир-бирини такрорлашларга ва айни пайтда зиддиятларга ҳамда турлича талқин қилишга сабаб бўладиган нормалар бўлишига йўл қўймаслик даркор.

Масалан, бугунги кунда бутун дунёда тижорат муомаласида англо-саксон ҳуқуқ конструкциялари кенг қўлланилмоқда. Биринчидан, бу конструкциялар энг замонавий юридик техника асосига қурилган. Иккинчидан, улар тарафларга максимал даражада мустақиллик ва ташаббус кўрсатишга имкон беради. Натижада томонлар учун мақбул хатти-ҳаракат ва хулқ-атвор моделини танлаб олиш имконияти юзага келади.

Яқинда Президентимиз судьялар корпуси билан бўлган учрашувда, Қозоғистон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, англо-саксон ҳуқуқ тизимини қўллаш имкониятларини ўрганишни ва бу борада шошилмасликни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, бу конструкцияларни Ўзбекистоннинг Фуқаролик кодексига бевосита киритиш мақсадга мувофиқ эмас, деган фикрдамиз. Эҳтимол, келгусида англо-саксон ҳуқуқ тизимининг замонавий конструкциялари тўғрисида махсус қонун қабул қилиш ўринли бўлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони иловаларида Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси қўйилди. Бу ҳолатда ҳозирнинг ўзида Тадбиркорлик кодекси ва Фуқаролик кодекси ўртасидаги нисбат масаласини белгилаш муаммоси вужудга келади. Цивилистика фани ва бизнес ҳуқуқи унинг назарий методолик асосларини ишлаб чиқиши лозим.

Ҳаёт шиддат билан давом этмоқда. Баъзи ҳолларда тарафларнинг келишуви ва келишувни бажариш ҳаракатлари, хусусан, олди-сотди, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ишларини тез, осон ва содда тартибда амалга ошириш талаб этиладиган ҳоллар учраб турибди.

Масалан, мева-сабзавотлар бўйича экспорт контрактларида мукаммал тузилган 25-30 саҳифадан иборат шартлар ўрнига инвойснинг мавжуд бўлиши кифоялиги тўғрисида таомиллар белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи ва ишлар бажарувчи ўзини ўзи банд қилган шахсларга (фрилансинг) контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш имконяти берилди.

Ушбу ҳолат, яъни соддалаштирилган ихчам шартномалар, шунингдек, смарт-контрактлар Фуқаролик кодексининг анъанавий ёндашувларидан четга чиқади. Бироқ улар амалётда кенг қўлланилаётганидан келиб чиқиб, махсус нормаларда белгилаб қўйилиши давр талабидир.

Амалдаги Фуқаролик кодексида энг муаммоли масалалардан бири — битимларнинг ҳақиқий эмаслиги асослари ва унинг оқибатларини қўллаш масалаларидир. Бунга кўра, битим ҳақиқий эмас, деб топилганидан кейин муқаррар равишда унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилиши шарт.

Оқибатда эса, уй-жой, автомашиналар билан боғлиқ битимларда инсофли эгалловчини чув тушиш ҳолатлари кўп учрар эди. Янги кодекс лойиҳасида МДҲ мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, судга битимни ҳақиқий эмас, деб топган ҳолда, муайян асослар мавжуд бўлганда ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўлламасликка имкон берилиши назарда тутилган.

Бу албатта, жуда катта ижобий силжишдир. Лекин муаммо охиригача ҳал бўлмаган. Нега деганда, битимлар ҳақиқий эмас, деб топилишида учта масала ечимини назарда тутиш лозим. Ҳақиқий эмас, деб топилган битим бўйича мол-мулк кимда қолади, ким компенсация олади, айтмоқчимизки, компенсация тизимини ҳам жорий этиш керак ва битимнинг ҳақиқий эмаслиги асос бўлган ҳаракатларни содир этган ноинсоф томон учун қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кўзда тутилиши зарур.

Яна бир масала: бу битимлар бўйича Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси ва Солиқ кодекси таъсир доираларини чегаралаб қўйиш лозим. Бинобарин, Жиноят кодексининг 175-моддасига кўра, наф келтирмаслиги аён бўлган битим тузиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

2016 йил 25 апрелдаги қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган 171[1]-моддада Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф битим тузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилган.

Демак, муайян битимларни ҳақиқий, эмас деб топиш Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс таъсир доирасида турибди.

Солиқ кодексининг 14-моддасида ҳам битимларнинг иқтисодий мазмуни ва уларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш масалалари белгилаб қўйилган. Ушбу норманинг биринчи қисмига кўра, солиқ идоралари битимларни юридик расмийлаштириш усулидан ёки шартноманинг номланишидан қатъи назар, битимга ўзининг ҳақиқий иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда баҳо беради.

Яъни солиқ имтиёзи олиш учун, солиқдан қочиш учун ёки унинг суммасини камайтириш учун тузилган битимлар ҳуқуқни суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланади.

Тўғри, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, битим қалбакилиги, кўзбўямачилик учун тузилганлиги каби ҳолатларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг оқибатларини қўллаш солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчи норози бўлган тақдирда эса, солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан амалга оширилади.

Бундан кўриниб турибдики, солиқ идоралари битимларни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича фактик ваколатларга эга бўлмоқда. Иш судга етиб боргунча солиқ идорасининг нуқтаи назари амалда бўлади.

Натижада Фуқаролик кодексининг асосий тамойилларидан бири — акси исботланмагунча фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг инсофлилиги назарда тутилиши тўғрисидаги презумпцияга путур етмоқда. Битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш бўйича Фуқаролик кодексининг етакчи мавқеига путур етказиш, буни оммавий ҳуқуқ соҳасига ўтказиш қай даражада адолатли ва мақсадга мувофиқ, деган савол туғилиши табиий.

Шу сабабли, ҳам лойиҳада Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси ўртасидаги таъсир доираларини оқилона белгилаш талаб этилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, Фуқаролик кодекси лойиҳаси ҳар биримиз учун ҳаётимизга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунга айланади. Шу сабабли унга бефарқ бўлмасдан унинг ҳар бир нормасини чуқур таҳлил этишимиз лозим.

Омон ОКЮЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори, профессор

Мезон

Шахсни тиббий муассасага мажбуран жойлаштириш

унинг қонуний асослари нималардан иборат? Муддати-чи?!

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шахс тиббий муассасага кўпи билан бир ой муддатга жойлаштирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, шифокорларнинг стационар суд экспертизасини ўтказиш давомида олинган хулосасига асосан, бу муддат суд томонидан фақат айбланувчи ва судланувчига нисбатан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг тиббий муассасада бўлган вақти қамоқда ёки уй қамоғида сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш учун асослар мавжуд бўлганда прокурор, терговчи ва суриштирувчи шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Шу ўринда бир мисолга эътибор қаратсак: судга Наманган вилоят прокурори биринчи ўринбосари тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома киритган.

Илтимосномада кўрсатилишича, М.Маҳмудов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2019 йил 29 декабрь куни соат тахминан 15:00 ларда ўзи ишлаб турган Наманган шаҳридаги масъулияти чекланган жамият биносида ишчилар йўқлигидан фойдаланиб, масъулияти чекланган жамиятида қоровул вазифасида ишловчи Р.Ф. бир ўзи борлигидан фойдаланиб мол-мулкларни талон-торож қилишни кўзлаган.

Шу мақсадда М.Маҳмудов Р.Ф.ни бинонинг орқа томонига бошлаб ўтиб, ўзига тегишли бўлган хўжалик пичоғи билан унинг кўкрак ва қорин соҳаларига 7 маротаба уриб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган. Натижада Р.Ф. ҳодиса жойида вафот этган.

Шундан сўнг М.Маҳмудов қўйхонадаги масъулияти чекланган жамияти раҳбарига тегишли 22 бош қўйни ўғирлаб кетган. Шунингдек, маъмурий бинода фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркор А.М.га тегишли хонага қулфни бузиб кириб, сейфда бўлган 81.500.000 сўм ва 500 АҚШ доллари ҳамда бошқа битта темир сейфдан 2.000.000 сўмни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Прокурор илтимосномасида М.Маҳмудовни руҳий жиҳатдан соғлом ёки касаллигини аниқлаш ҳақида сўз боради. Ўта оғир жиноят содир этганликда айбланаётганлиги сабабли М.Маҳмудовни стационар кўрикдан ўтказиш зарурати вужудга келган. Шунинг учун прокурор суд-психиатрия экспертизасидан ўтказиш мақсадида, уни тиббий муассасага жойлаштиришни сўраган.

Суд Жиноят-процессуал кодексининг 267 ва 268-моддаларига амал қилиб, Наманган вилоят прокурори биринчи ўринбосарининг илтимосномасини қаноатлантириш тўғрисида ажрим чиқарди ва айбланувчи М.Маҳмудовга нисбатан тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилди.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан, бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, ҳимоячи, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ўзига нисбатан экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш масаласи кўриб чиқилаётган шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати, қонуний вакиллар иштирокида кўриб чиқилади.

Тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, агар унинг соғлиғи имкон берса, суд мажлисида қатнашишга ҳақли. Зарур ҳолларда суриштирувчи ёки терговчи судга чақирилиши мумкин.

Судья шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисида ёки шахсни тиббий муассасага жойлаштиришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Суд ажрими ўқиб эшиттирилган пайтдан бошлаб кучга киради. Суд ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида тиббий муассасага жойлаштирилаётган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчининг вакили, гувоҳнинг адвокати ва қонуний вакил томонидан апелляция тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади. Мазкур суд уларни қирқ саккиз соат ичида материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

Шикоят ёки протест берилиши суд ажримининг ижросини тўхтатиб қўймайди. Апелляция инстанцияси суди ушбу материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса, қаноатлантиришсиз қолдиришга, судьянинг ажримини бекор қилишга ҳақли.

Стационар суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизаси хулосасини олганидан сўнг прокурор, терговчи ва суриштирувчи қарор чиқарган судни албатта, хабардор қилган ҳолда, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини бекор қилиш ҳақида қарор чиқаради.

Суд экспертизаси натижаларига кўра, шахс ақли норасо деб эътироф этилганда унинг тиббий муассасада бундан буён бўлиши тўғрисидаги масала Жиноят-процессуал кодекснинг 61-боби нормаларига мувофиқ, яъни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартибида кўриб чиқилади.

Жабрланувчи, гувоҳ ақли норасо деб эътироф этилган ёки шахснинг психиатрия ёрдами кўрсатиш талаб этиладиган бошқа турдаги руҳий касаллиги аниқланган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига мувофиқ, умумий асосларда ҳал этилади.

Абдиносир МЎМИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Жаҳл

жиноий тажовуз эшигини очгани ҳақида

Шаҳобиддин укаси Сайфиддиннинг касалхонага тушиб қолганини телефон орқали уйдагилардан эшитганди. Шу боис у 21 июнь куни диплом ишини ҳимоя қиладию Самарқанддан йўлга чиқади. Жиззах шаҳрига, тиббиёт марказига бориб, укасини кўради, у билан кечга қадар суҳбатлашиб ўтиради. Шу тариқа ака ҳар куни Сайфиддиндан хабар олиб туради.

Бу пайтда шифокор Х.Хушбоқов бемор С.Бобоевга операция олдидан дори-дармонларни тайинлаган, шу каби ўпка рентгени, қон биохимияси, педиатр, лор, реанимотологларнинг қўшимча кўригидан ўтишини ташкиллаштириб, операцияга ҳозирлик кўраётганди. 23 июнь куни РШТЁИМнинг Жиззах филиали шифокори F.Файзуллаев Х.Хушбоқовга қўнғироқ қилиб, Тошкент шаҳридаги урология марказидан доцент Ф.Келдиёров 26 июнь куни бир беморни операция қилиш учун Жиззах шаҳрига келаётгани, ушбу операция вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилиши режалаштирилганини айтади.

Бу хабарни эшитгач, Х.Хушбоқов "жигар эхинакок" ташхиси билан менинг ҳам бир беморим бор, шуни биргаликда операция қилишга ёрдам берадими?" — дея F.Файзуллаевдан сўрайди. Ўз навбатида, F.Файзуллаев доцент Ф.Келдиёровнинг телефон рақамини бериб, "ўзингиз гаплашиб кўринг" дейди.

Х.Хушбоқов дарров Ф.Келдиёровга қўнғироқ қилади ва вазиятни тушунтиради. Ф.Келдиёров беморни бирга операция қилишга розилик билдиради. Бу хабарни Х.Хушбоқов Сайфиддиннинг ота-онасига айтади. Ўғлининг соғлиғидан хавотирга тушиб юрган Нажим ака билан Назира опа бу хабарни эшитгач, операцияга розилик беришади.

Операция соат ўнларда бошланиб, ўн иккию ўттизларда якунланади. Доцент Ф.Келдиёров, Х.Хушбоқов ва мазкур тиббиёт маркази жарроҳи С.Абдуллаевлар биргаликда беморни операция қилишади. Операция якунлангач, Х.Хушбоқов ташқарида кутиб турган беморнинг оила аъзолари ҳузурига чиқади.

— Операция яхши ўтди, ҳаммаси ортда қолди, — дейди шифокор. — Ҳозир беморнинг соғлиғи яхши, наркоз таъсирини олиш учун унга сут ва қатиқ лозим.

Кўп ўтмай Сайфиддин ўзига келади. Юзига термулиб ўтирган ота-онаси ва акаси Шаҳобиддин билан бироз суҳбатлашади. Шу куни беморнинг ёнида онаси қолади.

Эрталаб Шаҳобиддин касалхонага келганида Назира опанинг чиройи анча очиқ эди. Сайфиддин тунда яхши ухлабди, умуман безовта бўлмаган.

Лекин беморнинг яқинларининг қувончи узоққа чўзилмайди. Соат ўнларда тиббиёт маркази реанимация бўлими ходимлари у ёқ-буёққа югуриб қолишади.

Шифокор Х.Хушбоқов ҳам шошилганича Сайфиддин ётган хонага кириб кетади.

Ярим соатлардан сўнг бемор ётган хонадан чиқиб келган Х.Хушбоқов Шаҳобиддинга "укангизнинг аҳволи оғирлашди, нафас олиши тўхтаб қоляпти, лекин биз уни сақлаб қолишнинг барча чораларини кўряпмиз. Сиз тезроқ отангизни чақиринг", — дейди.

Орадан кўп ўтмай етиб келган Нажим ака Шаҳобиддин билан Сайфиддин ётган хонага кирганда, бемор сунъий нафас бериш аппаратига улаб қўйилган эди. Шифокорларнинг халақит бермасликни сўрашгани боис ота-ўғил чор-ночор хонадан чиқишади.

Орадан ўн дақиқалар ўтар-ўтмас ушбу марказда ишловчи реаниматор коридорга чиқиб, совуқ хабарни етказади. Соат ўн бирдан ўн беш дақиқа ўтганда биологик ўлим қайд этилган, Сайфиддиннинг жони узилганди.

Кутилмаганда рўй берган мусибатдан Нажим ака билан Шаҳобиддин буткул карахт тортиб қолишади. Шунда шифокорлардан бири Нажим акага Сайфиддинни патологик-анатомик текширувдан ўтказиш, врачлардан норозилик бўлса, шикоят қилишга ҳақлари борлигини айтади.

— Уни қайта ёрдириб, азоблаб нимага эришаман, —дейди куюнганича ота. — Яхшиси, олиб кетаман.

Гамга ботган ота шу тариқа текширувдан бош тортади. Бу ҳақда тилхат ҳам ёзиб беради.

Эртаси куни Сайфиддиннинг жасадини дафн қилишади. Кейинги куни эрталаб соат тўққизга қадар худойисини ўтказишади. Шундан сўнг...

Зафаробод туман шифохонасида даволанаётган жияни билан янгасидан хабар олиш баҳонасида Шаҳобиддин уйдан чиқади. Унинг ошхонадан бир дона сопи малла рангли пичоқни олганини ҳеч ким сезмайди. У пичоқни атлас матоли белбоғининг ичига яшириб олади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Қилмиш-қидирмиш

Ноҳалол луқма

Айтиш керакки, мамлакатимизда "Обод қишлоқ" давлат дастурининг ҳаётга жорий этилиши қишлоқларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳардагидан кам бўлмаган турмуш шароитини яратишда ниҳоятда муҳим ўрин тутмоқда.

Бунинг устига, айни шу бунёдкорлик ишлари жараёнида юртимизда тадбиркор, омилкор, ишбилармон қурувчи-меъморларнинг улкан сафи шаклланди.

Аммо ана шундай эзгу ва хайрли ишлардан ўзининг тор ва чиркин манфаати йўлида фойдаланиб қолишга уринадиган кимсаларнинг учраши жуда афсусланарлидир.

(Давоми 4-бетда) ▶

Депутат оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича таклифлар билан чиқди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Оилавий ажримларнинг сабаблари турлича. Бунга уй-жой масаласи, ишсизлик, моддий етишмовчилик, ёшларнинг мустақил ҳаётга тайёр бўлмасдан оила қуриши, эр ёки хотиннинг ишлаш учун бошқа мамлакатларга кетиб қолиши, оилада маънавий-ахлоқий муҳитнинг ёмонлиги, ташқаридан бошқа шахсларнинг аралашуви каби сабабларни келтириш мумкин.

Юртимизда бу муаммо олимлар томонидан ўрганилганда, барча ажримларнинг тенг ярмида ёшларнинг бир-бирини тушуна олмаслиги, ҳаётга, оила масаласига енгил қараши сабаб экани аниқланган.

Мамлакатимиз бўйича ФҲДЁ идоралари томонидан 2020 йилнинг январь-март ойларида 7 минг 800 та никоҳдан ажралиш қайд этилган. Ҳудудлар бўйича энг кўп ажримлар Тошкент шаҳри, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятларида кузатилган.

Ачинарлиси, никоҳ бекор қилинганда унинг қийинчиликлари асосан аёлнинг зиммасига тушади. Чунки аксарият ҳолларда аёл яшаб турган уйидан болалари билан чиқиб кетиши ҳамда ўзи ва болаларнинг таъминотини ўйлашга мажбур бўлади.

Тўғри, вояга етмаган болалар учун алимент тўловлари қонунда белгиланган. Шунга қарамай, ҳозирда қанчаданқанча аёллар ана шу пулларни ундира олмай судма-суд юрганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Ажрашиш жараёнининг ўзи ҳам баъзи давлатларникига нисбатан осон.

Агар чет эл тажрибасига мурожаат қилсак, Польшада никоҳ фақат суд орқали бир неча босқичда бекор қилинади. Бу ҳолат ижтимоий меъёрлар ёки вояга етмаган болалар манфаатларига зид бўлса, судлар никоҳни бекор қилишни рад этади.

Испаниянинг Олий суди никоҳдан ажрашган эркакка собиқ уй бекаси бўлган хотинига уй ишларни бажаргани учун компенсация ва хотини ҳамда болалари учун алиментлар тўлаш мажбуриятини юклайди.

Германияда ажрашаётган оилада болалар бўлса, суд аввало уларнинг манфаатларини ҳисобга олади. Шунингдек, нафақат мол-мулк, балки пенсия жамғармалари ҳам иккига бўлинади, бунда ҳам ўзига яраша адолат мавжуд. Негаки, бола тарбияси ва уй ишлари билан машғул бўлган аёл пенсия учун жамғарма яратмаган.

Бразилияда ҳам оиладаги вояга етмаган болалар манфаати ҳимоя қилинади. Уларнинг ажримдан олдинги таъминот даражаси сақланиб қолиниши мажбурий қилиб белгиланган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хорижий давлатларда ажрим ҳақида қарор чиқаришдан олдин судлар болалар ва аёлнинг кейинги тақдири билан қизиқиб, уларни кафолатлашга ҳаракат қилади. Бизда эса, аввал никоҳ бекор қилиниб, ажрим қайд этилади. Кейин фарзандлар тақдири, мол-мулк тақсимоти кўриб чиқилади.

Ҳаётимизда бу ҳолатлар қанчалик кўнгилсизликларга сабаб бўлаётгани ҳаммага маълум. Чунки "чиққан қиз чиғирикдан ташқари" дейишади. Аввало, бундай хонадонда маънавий тушкунлик, келинлар ва қайтган қиз ўртасида зиддиятлар пайдо бўлади.

Баъзида турмушдан ажрашган аёл болаларидан ҳам воз кечади. Оқибатда тирик етимлар кўпайиб, болалар уйларида тарбияланишдек хунук ҳолат юзага келади.

Ажримдан кейинги энг катта ғавғоларга сабаб бўладиган масала бу — уй-жойдир. Ушбу масала турли келишмовчиликлар ва давомли жанжалларга, баъзан эса, жиноий қилмишлар содир бўлишига олиб келишидан кўз юмиб бўлмайди.

Хўш, оилаларни сақлаб қолиш, ажримларнинг олдини олиш учун қандай таъсирли чораларни кўриш лозим?

Биринчидан, никоҳ қайд этилишидан аввал ёш оила яшайдиган манзил аниқ бўлиши, ажрим юз берган ҳолатда фарзандлар ва аёл турар жой билан таъминланиши шарт.

Иккинчидан, никоҳ қайд этилгач, ортиқча оворагарчиликларсиз аёл юқорида кўрсатилган манзилга зудлик билан рўйхатга қўйилиши керак. Яъни келин фамилияси ўзгаргани сабабли янги паспорт олганда, доимий рўйхатга қўйиладиган манзили ҳам ўзгартирилиши зарур.

Учинчидан, болалар учун алиментларни мажбурий ундириш механизми жорий қилиниши лозим. Ҳозиргидек кам ҳақ тўланадиган ишга номига жойлашиб, энг кам миқдорда алимент ҳисоблаш амалиётидан воз кечиш керак. Алимент миқдори боланинг ҳаёт кечириши, таълим олиши учун етарли бўлиши даркор.

Тўртинчидан, ота-онаси тирик бўла туриб, болалар уйига жойлаштирилган фарзандларга ота-онаси махсус ҳисобга пул ўтказишини жорий қилиш шарт.

Юқорида келтирилган масалалар ечими бўйича мажбурий равишда никоҳ шартномаси тузилса, ҳар қандай эркак ёки аёл ажрашиш ҳақидаги фикрни бир неча бор ўйлаб кўради, деган фикрдамиз.

Мухтасар айтганда, давлат асосини ташкил қилувчи оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, болалар учун соғлом оилавий муҳитни кафолатлаш мақсадида қонунларимизга адолатли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш вақти келди.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси раиси

Жиноят ва жазо

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бу мудҳиш жиноят рўй бериши арафасида Х.Хушбоқов тиббиёт марказининг учинчи қаватида жарроҳлик бўлимида ўз ишлари билан банд эди. Соат ўн-у ўттизларда ҳамширалардан бири уни марҳум Сайфиддин Бобоевнинг акаси сўраб келганини айтади. Бирон гапи бордир-да, деган хаёлда эшикка чиққан Х.Хушбоқов холи гаплашиш учун Шаҳобиддинни қўшни хонага бошлаб киради.

Хонадаги суянчиқли ўриндиққа ўтиргач, Х.Хушбоқов Шаҳобиддинни ҳам ўтиришга таклиф қилади. "Ука, бандалик экан, дея у кўнгил сўрайди, дадангга ҳам ҳаммасини тушунтирдим".

— Нега бундай бўлди? — дея Шаҳобиддин алам билан сўрайди.

Ва кўз очиб юмгунча фурсатда белбоғидаги ҳалиги ошхона пичоғини қўлига олади-да, Х.Хушбоқовга ташланади, унинг қорнига бир неча марта зарба беради.

Х.Хушбоқов бундай бўлишини умуман кутмаган, хаёлига ҳам келтирмаган эди. У азбаройи оғриқнинг зўридан бақириб юборади.

Айни шу паллада қўшни хонада шифокор С.Абдуллаев ўтирганди. У Х.Хушбоқовнинг бақирган овозини эшитиб, шошиб эшикни очади. Бу пайтда Шаҳобиддин қўлидаги пичоқни елкаси баробар кўтариб турган, Х.Хушбоқов эса, ўриндиқни кўтариб, ўзини ҳимоя қилаётганди.

С.Абдуллаев орқа томондан келиб, Шаҳобиддинни маҳкам қучоқлаб олади-да, уни ўн-ўн беш дақиқа ушлаб туради, холос. Ш.Бобоев буткул қутуриб кетган эди, у важоҳат билан С.Абдуллаевни силтаб ташлайди-да, кўздан ғойиб бўлади.

Бу мудҳиш воқеанинг давоми эса, шундай кечади: шифокор С.Абдуллаев ўзининг енгил автомашинасида ҳамкасблари Т.Бегимқулов ва Қ.Толиповлар билан бирга буткул қонга бўялган Х.Хушбоқовни РШТЁИМнинг Жиззах филиалига олиб боришади.

Улар йўлда кета туриб, филиал қабул бўлимига пичоқланган беморни олиб бораётгани тўғрисида хабар беришган, қабул бўлимидагилар эшикда ғилдиракли замбилни тайёрлаб туришганди. Х.Хушбоқовнинг ўзи автомашинадан тушиб, ғилдиракли замбилга ётади ва беморни зудлик билан операция хонасига олиб кириб кетишади.

Алам изтироби, жаҳл жазаваси ва кучли ҳаяжон билан эс-ҳушини йўқотган кўйда Шаҳобиддин Х.Хушбоқовга кетма-кет пичоқ ураётган чоғда қўлидаги ўткир тиғ ўзининг оёғига ҳам тегиб кетган эди. Шунинг учун у оқсаётган, юришга қийналаётганди. У шу алфозда ҳовлига кириб келганида отаси "ҳа, нима бўлди?" — деб сўрайди. Ўғли индамай қўя қолади. Фақат юз-қўлини ювгач, ҳамон саволига жавоб кутиб ўтирган отасига Х.Хушбоқовни пичоқлаб қўйганини айтади. Худди шу пайт дарвозадан ички ишлар бўлими ходимлари кириб келишади. Ш.Бобоев Х.Хушбоқовга тан жароҳати етказишда фойдаланган ошхона пичоғини ўз хоҳиши билан уларга топширади.

Судда Ш.Бобоев айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. Бундай оғир жиноий қилмишга кучли ҳаяжон таъсирида қўл ургани, укасининг ўлимини оғир қабул қилганини қайд этди. Бунинг устига, оиласи бошига мусибат тушганини билса-да, тиббиёт ходимлари кўнгил сўрамагани, жаноза ёки худойига келмагани Шаҳобиддиннинг кўнглида алам ва ғазаб ўтини ёққан экан.

Операция яхши ўтган бўлса-да, бир кундан сўнг тўсатдан Сайфиддиннинг вафот этиши сабаблари мавҳумлигича қолаётганди. Судда РШТЁИМнинг Жиззах филиали болалар бўлими шифокори Ш.Ортиқовнинг гувоҳлик беришича, бемор С.Бобоевнинг касаллик тарихини мутахассислар билан бирга ўрганиб чиқишди. Айтиш керакки, операция услубий жиҳатдан тўғри амалга оширилган, беморга наркоз бериш ва бошқа даволаш муолажалари бўйича камчиликларга йўл қўйилмаган. Операциядан сўнг эса, беморга талаб даражасида тиббий ёрдам кўрсатилган.

Аммо касаллик тарихи ҳужжатларига асосланиб, беморнинг ўлими сабабларини аниқлаш имкони йўқ. Чунки бемор вафот этганидан сўнг паталогик-анатомик текширув ўтказилганида ўлим сабабларини аниқлаш мумкин эди. Айнан шундай текширув ўтказишга эса, марҳумнинг яқинлари рухсат бермаган.

Суд ҳайъати судланувчи Ш.Бобоевнинг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми "г" банди билан тўғри малакаланган, деб ҳисоблади.

Судда жабрланувчи Х.Хушбоқов судланувчига нисбатан даъвоси йўқ эканини қайд этиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради. Суд Жиноят кодексининг 57-моддасига таянди. Ушбу моддада "Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ушбу кодекснинг Махсус қисми моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаш мумкин" деб кўрсатилган.

Қисқаси, содир этилган жиноятга жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Судланувчи Ш.Бобоев Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми "г" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, алам ва жаҳл жиноий тажовуз эшигини очди, жаҳлга берилишнинг оқибати эса, аянчли якун топди.

Шуҳрат ХУДОЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Қилмиш-қидирмиш

Ноҳалол луқма

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Ғиждувонлик Шерзод Эшмуродов ва Валижон Жумаевлар шулар тоифасидан бўлиб чиқди.

...Ҳаммаси юқорида баён этилган давлат дастури қишлоқ ҳаётига кириб келганидан сўнг бошланди. 2019 йилнинг апрел-июнь ойларида туман Ободонлаштириш бошқармаси билан "Сеталон", "Амиробод", "Янгиработ" қишлоқлари, "Армечан", "Пахтаобод", "Зарафшон" маҳаллаларига кўча чироқлари ўрнатиш юзасидан 4 та пудрат шартномасини тузишга муваффақ бўлган "Алишер Абдунасимович" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Эшмуродов ушбу ҳужжатлар ортида мўмай пул борлигини шу заҳотиёқ фаҳмлади. Шу аснода давлат ғазнасидан келаётган пулларни Ободонлаштириш бошқармасининг шу сингари ишлар учун масъул назоратчиси В.Жумаевнинг кўмаги, аниқроғи, жимжимадор имзосиз ўмаришнинг имкони йўқ эканини ҳам биларди.

Шу боис у В.Жумаевнинг кўнглига қулоқ тутди. Монелик аломатлари сезилмагач, дангалига ўтди. Маслаҳатни пишитгач, белни маҳкам боғлаган кўйи номи юқорида қайд этилган қишлоқ ва маҳаллаларда кўча чироқлари ўрнатишга астойдил киришди. Бу жараёнда айрим ҳудудларда ўта арзон нархдаги чироқлар ўрнатилди. Бир қатор кўча ва йўлларни ҳар бирининг нархи 1 миллион 89 минг сўмлик "РТУ 01-125" маркали кўча чироқлари ўрнига қиймати атиги 302 минг сўмлик "РКУ-SKU 100 W 6400K IP 66 185-265 V 50 ГЦ" русумли ёритгичлар билан ҳаш-паш дегунча безаб ташлади. Бу ҳолат тегишли ҳисобот ҳужжатларида ҳам ўз аксини топди. Мазкур манзиллар 302 минг эмас, балки 1 миллион 89 минг минг сўмлик ёритгичлар билан жиҳозланган айрим ҳужжатларда қайд этилди. Шундай сохтакорлик йўли билан 115,9 миллион сўм талон-торож қилинди.

Ш.Эшмуродов бошлиқ масъулияти чекланган жамиятнинг туман йўллари ва кўчаларини арзон нархли ёритгичлар билан саноқли ҳафталар мобайнида қойилмақом тарзда безагани ва рўёбини топган ишлар бошқарма назоратчиси В.Жумаевнинг жимжимадор имзоси остида зудлик билан қабул қилиб олинган. Бир қарашда, ҳужжатлар рисоладагидек ва қайд этилишича, бир тараф зиммага олган мажбуриятини бажарган, иккинчи тараф эса, буни эътироф қилган ҳолда лойиҳадаги юмушлар тўлиқ адо этилганини ўз имзоси билан тасдиқлаган. Аммо масаланинг пинҳона тарафи ҳам бор ва баъзи ҳужжатлардаги арзон қийматли йўл чироқлар ўрни ундан бир неча баравар қиммат нархдаги ёритгичлар ўрнатилганига доир ажабтовур ёзувлар билан тўлдирилгани эътиборни ўзига тортмай қолмайди. Кейинчалик аён бўлишича, бир йўла 2 та салмоқдор ҳужжатга имижимида киритилган ана шу ўзгартиш, аниқроғи, сохталаштириш эвазига нақ 116 миллион сўм талон-торож қилинган. Ҳарқалай, Ғиждувон қишлоқларида адоғини топган бу янглиғ ишлар баъзиларнинг кўзига ажабтовур тусда кўринди ва турли шубҳа-гумонлар, пирровардида эса, тафтиш-сўровларга сабаб бўлди.

Ҳар иккала шерик талмовсираб қолди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Вазиятдан чиқишнинг ҳали эътиборингизга ҳавола этилган жўн, аммо ажабтовур йўли "кашф" қилинди. Айрим ҳужжатлар матнида одам боласини мушкулотлардан халос этувчи ўзингизга аён ўзгартишлар пайдо бўлди. Шу орада пудратчи ва назоратчиқабул қилувчи тарафидан амалдаги лойиҳа ҳужжатини сохталаштириш чоғида айрим шошма-шошарликларга йўл қўйилгани ҳам маълум бўлди. Аниқланишича, "РТУ 01-125" номи билан юртилувчи қиммат нархли чироқларни кўча устунларга ўрнатишнинг иложи йўқ. Чироқларнинг техник ҳолати бунга йўл қўймайди. Шу боис уларни боғ ва хиёбонлар-аллеялардаги плафонларгагина ўрнатиш мумкин.

Афтидан, масаланинг бу жиҳати ижрочи ва назоратчининг эътиборидан четда қолган ва амалдаги 2 та лойиҳа ҳужжатининг бирига кўча ва йўл бўйларидаги устунларга ана шу русумли қиммат қийматдаги чироқларни ўрнатиш юзасидан ажабтовур ўзгартиш киритилган. Бунинг эвазига чап чўнтак томон оққан пулнинг қиймати эса, 116 миллион сўмни ташкил этади. Аммо айбланувчи тарафнинг сўзига қараганда, тегишли ҳужжатлардаги бу ёзувларга уларнинг мутлақо дахли йўқ. Уни ҳужжатларга лойиҳачиларнинг ўзлари киритишган. Бу иддао олдида қарши тарафдагилар сукут сақлашмади. Бинобарин, уларнинг ҳам айтар сўзи бор. Суд ва тергов пайти ҳужжатлардаги бу янглиғ ўзгартишлар ижро тарафнинг ўзига хос "кашфиёти" эканлиги яққол аён бўлди. Туман молия бўлими мудири ўринбосари М.Болтаев, Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи У.Туев, "Ғиждувон қурилиш лойиҳа" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б.Рўзиев суд ва терговга ана шу мазмунда кўрсатма бердилар. Далиллар эса, жиноятнинг бор кўламини яққол намоён этди ва исботини топган ҳолатларга қараганда, ҳали номлари келтирилган қишлоқ ва маҳаллаларни тунги ёритиш воситалари билан жиҳозлаш учун 4 та лойиҳа асосида ажратилган жами 1 миллиард 324 миллион сўмлик давлат маблағининг қарийб 116 миллион сўми ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилинган.

Тергов органи шуларни назарда тутган ҳолда Ш.Эшмуродов ва назоратчи В.Жумаевни Жиноят кодексининг талон-торожликларни ифодаловчи 28, 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва қалбакилаштиришга доир 228-моддаси 2-қисми "б" банди ҳамда мазкур модданинг 3 қисми бўйича жавобгарликка тортди. Бировлар ҳақига хиёнат қилиш, уни ўмариш ва ўзганинг ҳалол ризқ-насибасини тортиб олишга қаратилган жиноий кирдикор беиз кетмагани ва муқаррар жазо томон етаклагани айни муддао. Бироқ суд ишларининг бари қонун, адолат, одиллик ва холислик тамойилларига асосланмоғи даркор. Бунинг устига судланувчилар ҳам ўзлари томонидан содир қилинган жиноий қилмиш қўлами ва бунинг учун жазо ҳам муқаррар эканини англашди. Айбига иқрорлик билдиришди. Содир этилган қилмиш оғир оқибатларга олиб келмагани, ижтимоий хавфини йўқотгани, ўзлаштирилган салкам 116 миллион сўмлик маблағ эса, ихтиёрий равишда давлат ғазнасига қайтарилгани, бу билан етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги, шунингдек, айбланувчиларнинг оилавий шароити, мукаддам судланмагани, ҳозирда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишаётгани каби ижобий ҳолатлар инобатга олинди. Судда кўрсатма берган фуқаровий даъвогар, туман молия бўлими масъули М.Болтаев қилмишнинг ўзаги — етказилган моддий зарарнинг ўрни нақд ҳолида тўлиқ қопланганини баён этар экан, ҳар иккала айбланувчига нисбатан даъво қолмаганлигини алоҳида таъкидлади. Суд ушбу ҳолатларни назарда тутди: жиноий қилмишга қўл урган Ш.Эшмуродов ва В.Жумаевни гарчи айбдор, деб топган бўлса-да, жазога тортмасликни маъқул кўрди. Бинобарин, жиноят қонунчилиги ҳам шуни тақозо этади, етказилган зарар қопланган тақдирда, жазо чораларини қўллашни истисно қилади. Бу ҳолат чиқарилган ҳукмда ўз ифодасини топди. Айбланувчилар содир этилган қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотгани боис, Жиноят кодексининг 70-моддасига биноан жазодан озод қилиндилар.

Ғиждувонда рўй берган бу воқеа айбланувчиларнинг кўзини мошдай очгани аниқ. Аммо, назаримизда, турмушнинг барча-барчага чинакам сабоқ бўларли бошқа бир қонунияти ҳам бор: бу қилмиш учун жазонинг муқаррарлиги. Ҳаётнинг ушбу таомилига суянган, ундан етарлича сабоқ ва хулоса чиқарган киши борки, бундайлар ҳеч маҳал аросат ботқоғига ботишмайди. Қиларини қилиб, уйидан, рўзғоридан қийиб, ўзи етказган зарарнинг ўрнини қоплашдек оғир қисматга рўпара келган, бу ҳам камлик қилгандай, иззатидан айрилгандан кўра, нонини ҳамиша ҳалоллаб ейиш, шу аснода озгина ризқини ҳам асалга дўндириш, бунинг шарофатидан тинч ва хотиржам умр суришга не етсин? Шу йўсиндаги ҳаёт ва турмуш афзал ҳамда маъқул эмасми?! Хўш, бунга сиз нима дейсиз?

Бобир УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Ғиждувон тумани судининг раиси
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Икрам МУСЛИМОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмўмин ЁДГОРОВ, Олим ҲАЙИТОВ, Бахтиёр ИСАКОВ, Азиз МИРЗАЕВ, Светлана АРТИКОВА, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-723. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8283
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 21^{45}.